
ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Бугун Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари Ш.Нисбатхонов бошчилигида шаҳардаги "Орол бўйи", "Машад","Тошлоқтепа","Чорчинор", ҳамда "Чароғон" маҳалла фуқаролар йиғинлари фуқаролари ҳамда бир гуруҳ фаоллар иштирокида Очиқ мулоқот ўтказилди.

Унда маҳаллаларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, ҳудудлардаги мавжуд муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида мазкур ҳудудларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, узоқ йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

2023-11-04 17:27:23